

# Астойдил ёндошув

**Институтимизга фуқаролардан кўплаб мурожаатлар келиб тушади. Уларнинг аксарияти таълим олиш масаласи бўлса, уй-жой, моддий ёрдам сўраганлари ҳам бор. Мурожаатларни ўрганиш юзасидан тегишли бўлимлар томонидан изчил мониторинг олиб борилаётгани, самарадорлигининг ошишига хизмат қилмоқда. Ариза ва шикоятларнинг ижросига ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда.**

Мурожаатларни қабул қилишга қулайлик яратиш мақсадида фуқаролар ва юридик шахслар вакиллари қабул қилиш хонаси ташкил этдик. Хона зарур моддий-техник жиҳозлар билан таъминланган. Мурожаат қилувчилар учун ташкил этилган ахборот бурчагида мурожаатга оид қонуннинг тўлиқ матни, раҳбариятнинг қабул жадвали, мурожаатларни тақдим этиш ва кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги маълумотлар жойлаштирилган.

Йўлланган ариза ва шикоятларнинг ижроси билан ҳуқуқшунос Нурмуҳаммад Баннаев ва девонхона мудирини Ёқутхон Ёқубжановалар шуғулланиб боришади. Ҳеч бир мурожаат ҳалигача эътиборсиз қолдирилмади.

Масалан, уй-жой масаласида ариза ёзган Наргиза Холиқовага бундай ваколат бизда мавжуд эмаслиги тушунтирилди. Муҳаммаджон Ғофуржонов ўқишни тиклаш учун, Муҳаббат Маматқулова, Моҳпора Аҳмаджонова, Шаҳодат Муборақова, Нозима Хусанова, Музаффар Шарофиддинов, Ислом Убайдуллаев ва бошқа кўплаб фуқароларимиз ўқишга кириш истагида мурожаат қилишган.

Жорий йилда институтимизга элликка яқин мурожаат тушган бўлса, уларнинг барчасига ўз вақтида жавоб қайтарилди. Асосли мурожаатлар юзасидан фуқароларнинг талаблари қондирилди.

Мурожаатларнинг мазмуни мунтазам равишда таҳлил қилиб борилади. Худудий таҳлиллар шуни кўрсатадики, уларнинг 96 фоизи Наманган вилоятига, 4 фоизи эса Андижон, Фарғона ва бошқа худудларга тўғри келади. Мурожаатларни умумлаштириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Шундан келиб чиқиб, ҳар ҳафта иш якунлари бўйича ўтказиладиган ишчи йиғилишлар, бошқарув мажлисларида мурожаатлар билан ишлаш ҳолати муҳокама қилиниб, мутасадди ходимларнинг ушбу масаладаги масъулияти ва жавобгарлигини кучайтириш чораларини кўриб бориш йўлга қўйилган.

Ғофуржон Шерматов

Наманган муҳандислик-қурилиш институти

ёшлар билан ишлаш бўйича проректор.